



## БҮСТОНЛИҚ ВА СУЗОҚ ҚҰЗГОЛОНЛАРИ

*Феруз Бобоев,  
ҮзР ФА Тарих институты докторанти*

**Аннотация:** Мазкур мақолада Ўрта Осиё ва Қозғистонда совет ҳокимияттың томонидан амалга оширилген колективлаштириши сиёсати натижасыда юз берган ахолининг кескин норозилиги таҳлил этилған. Шунингдек, Бўstonлиқ ва Сузоқ құзғолонларининг сабаблари ва маглубияти ёритилған.

**Калим сўзлар:** совет ҳокимияти, колективлаштириши, аграр ўзгаришлар, Бўstonлиқ, Сузоқ, солиқ сиёсати, сайлов ҳуқуқи, дон реквизицияси.

**Аннотация:** В данной статье анализируется острое недовольство населения Средней Азии и Казахстана проводимой советской властью политики коллективизации. Освещаются также причины и поражения Бостанлыкского и Сузакского восстаний.

**Ключевые слова:** советская власть, коллективизация, agrarian change, Bostanlyk, Suzak, tax policy, suffrage, food requisition.

**Abstract:** This article analyzes the acute discontent of the population of Central Asia and Kazakhstan as a result of the policy of collectivization pursued by the Soviet authorities. The causes and defeats of the Bostanlyk and Suzak uprisings are also covered.

**Key words:** soviet power, collectivization, agrarian change, Bostanlyk, Suzak, tax policy, suffrage, food requisition.

Совет ҳокимиятининг амалга оширган аграр сиёсати натижасыда Ўрта Осиё ва Қозғистонда ахоли орасида кескин норозилик юзага келди. Мазкур ҳолат 1929 йилда совет ҳокимиятига қарши кураш күламининг яна қайтадан кучайишига сабаб бўлди. Норозилик ҳаракатларининг кучайишига асосан колективлаштириш сиёсати билан бир қаторда қўйидаги омиллар ҳам таъсир кўрсатди:

- ғалла етиштириш компанияси, дон реквизицияси;
- ахолининг мажбурий равишда мавсумий ишларга (экиш, пахта териш, ем-хашак тайёрлаш) сафарбар этилиши;
- бой, манапларнинг мулкларини мусодара ва ўзларини сургун қилиниши;
- солиқ сиёсати, облигацияларни сотиш кампанияси (заём);
- сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилиши;
- колхоз курилишидан норозиликлар; колхозларга кирган ўртаҳол дехқон хўжаликлар 1929 йилда алоҳида дехқон хўжаликларга нисбатан 200 рубл кам даромад олган. Бу уларнинг колхоз тизимидан норозилигини кучайтирди ва дехқонларнинг колхозлардан чиқишига, бир қисмини эса муҳожирликка кетишига олиб келди;
- партия ташкилотларида “чистка” (тозалаш) сиёсати; Ўш округида партия ташкилотлари ёт унсур сифатида 20% га қисқартирилди;
- ҳарбий хизматга чақириш сиёсати эди.

Бу жараёнлар ахоли орасида катта норозиликларга сабаб бўлди. Бунга бошқарув билан боғлиқ қўйидаги омиллар ҳам таъсир кўрсатди: биринчидан, бу пайтда ахоли манфаатлари учун курашадиган асосий масъул лавозимларда миллий раҳбар кадрлар вакиллари жуда кам эди. Раҳбарлар асосан четдан келган, жойлардаги шарт-шароитлар ва мавжуд вазиятдан тўла хабардор бўлмаган. Иккинчидан, қишлоқ советлари билан юқори органлар ўртасида муносабатлар жуда муаммоли эди. Кўп ҳолларда уларнинг эътиrozлари ва манфаатлари инобатга олинмади. Кўпгина қишлоқ совети раислари рус тилини билмаганлиги сабабли юқори органларнинг буйруқларини тушунмас ва улар билан ёзишмалар олиб боролмас эди. Бу омилларнинг барчаси Ўрта Осиёда ва Қозғистонда совет ҳокимиятига қарши курашни кучайтирди. Кураш шакли: гоявий (мафкуравий), митинг, намойиш, оммавий қўзғолон ва куролли ҳаракат сифатида намоён бўлади.

**Бўstonлиқ қўзғолони.** Қозғистон АССРда ҳам колективлаштириш сиёсатига қарши бир нечта округларида қўзғолонлар юзага келди. Шулардан бири Сирдарё округи Бўstonлиқ районида 1929 йил сентябр – октябр ойларидаги куролли қўзғолон эди. Бўstonлиқ райони





худуди Ўзбекистон, Қозогистон ва Қирғизистон Республикалари чегаралари кесишган мураккаб жой бўлиб, у асосан тоғлик худуд хисобланган. Ҳудуд аҳолиси лалми дехқончилик (боғдорчилик) ва чорвачилик билан шуғулланган.

*Бўстонлиқ қўзғолонининг сабаблари:*

1) Сирдарё округининг Бўстонлиқ районига 44 минг пуд қўшимча дон тайёрлаш бўйича жўнатилган режаси;

2) Бўстонлиқ райони ташкилотлари ўз ташаббуси билан режани яна 30 минг пудга оширгани;

3) дон харид қилиш кампанияси даврида экинлари бўлмаган камбағалларнинг дехқон хўжаликларидан ҳам дон талаб қилинган ҳолатлар бўлганлиги;

4) Бутунrossия Марказий Ижроия Қўмитасининг давлатга дон топшириш бўйича беш баравар жарима тўғрисидаги қонуни бойларга нисбатан қўлланилмаганлиги;

5) солик тизимидағи адолатсизликлар;

6) райондаги партия ва совет ташкилотлари томонидан 6 та масжиднинг ёпилиши эди.

Шунингдек, Хўжакентдаги масжид мутасаддиларнинг тегишли рухсатисиз ёпилиб, у кооператив дўконига айлантирилди<sup>120</sup>. Райондаги бир нечта қишлоқлар вакиллари йиғилишида қўзғолон бўлган тақдирда биргалиқда харакат қилиш режаси муҳокама қилинганида Толиб Мусабоев шундай деди: “Аҳолининг аҳволи кундан-кунга оғирлашмоқда. Солик солиниб, нонимизни тортиб олишади. Қишда очликдан ўлгандан кўра, бир кунда дарҳол ўлган яхшироқdir”.

1929 йил 26 сентябрда Узум қишлоғидаги камбағал ва ўртаҳол дехқонлардан 100 киши район ижроия комитетига келиб, давлатга ғалла топшириш режаси қайта кўриб чиқишини талаб қилди. Район ижроия комитети (райисполком) ва район партия комитети (райком) камбағал дехқонларнинг бу талабларини эътиборсиз қолдирган. Бунинг устига райисполком раисиFaюпов Чорвоқ қишлоғи аҳолисига кўпайтирилган ғалла топшириш режаси бажарилишини ўйлаб кўриш учун 2 кун муҳлат берди. Совет ҳокимиятининг зўравонлик сиёсати, маҳаллий партия ва совет амалдорларининг ўзбошимчалиги натижасида қишлоқ аҳолисининг катта қисми қўзғолон кўтаришга мажбур бўлган. Бўстонлиқ районининг кўплаб қишлоқларини турли ғалаён ва норозиликлар қамраб олди.

Айнан ўша куни Пискомда Толиб Мусабоев (миллати – тожик) бошчилигидаги қўзғолончилар совет режимига қарши кураш бошлайди. Сижжақда Нуритдин Нажимов (миллати – ўзбек), Хўжакентда Абдураҳмон Турсматов (миллати – ўзбек), Узунда Жолдас Нанаев (миллати – қозоқ), Нанайда Мирзаали Мадалимов, Сайфутдин Жиянбоев (миллати – тожик), Бофистонда Усмонали Мадалиев (миллати – тожик), Бурчмуллада Faффоров (қишлоқ совети раиси) ва Раимбобо Мадбобоев (солик комиссияси раиси) бошчилигига ҳамда бошқа қишлоқларда ҳам дехқонлар совет ҳокимиятига қарши қуролли чиқишларни амалга оширилди<sup>121</sup>. 29 сентябрда бир нечта қишлоқларни кўлга киритиб, район маркази бўлган Хўжакентни ҳам эгаллашди. 30 сентябрда қуролланган қўзғолончилар 100 нафар, 200 нафари эса қуролсиз эди.

Қўзғолонни бостиришда совет ҳокимияти томонидан Тошкентдан юборилган ҳарбий кучлар, яъни Ўрта Осиё бирлашган ҳарбий мактаби курсантлари эскадрони асосий ролни ўйнайди. Сўнгра уларга ёрдамга Тошкентдан Қирғиз миллий кавалерия дивизиони ҳам жўнатилади. Шунингдек, Бўстонлиқ районидаги қўзғолонни бостиришда Чимкентдан юборилган коммунистларнинг 2 та отряди ҳам фаол қатнашди. Ҳарбийлар ва чекистлар томонидан 95 киши (улардан 10 киши жангда) асирга олинди. Уларнинг бир қисми кейинчалик озод қилинди<sup>122</sup>.

<sup>120</sup> “Совершенно секретно”: Лубянка – Сталину о положении в стране (1922-1934 гг.). Т.7. 1929 г. – Москва, 2004. – С. 449-450; Алланиязов Т.К., Таукенов А.С. Последний рубеж защитниковnomадизма. История вооруженных выступлений и повстанческих движений в Казахстане (1929-1931 годы). – Алматы: “OST-XXI век”, 2009. – С. 275.

<sup>121</sup> Алланиязов Т., Таукенев А. Последний рубеж защитников nomadizma. – С. 276 – 277.

<sup>122</sup> РГАСПИ, 62-фонд, 2-рўйхат, 1811-иш, 229-варақ.





Қозоғистон ОГПУ Мухтор вакиллиги хузуридаги тройка қарори билан 1930-1933 йилларда Бўстонлиқ районидаги қўзғолончилар ҳаракатида фаол қатнашган 45 нафар киши жиноий жавобгарликка тортилди. Улардан 2 нафари отишга, 36 нафари 1 йилдан 10 йилгача муддатга, 7 нафари 3 йилдан 5 йилгача муддатга ахлоқ тузатиш-мехнат лагерларига қамоқ жазосига хукм қилинди<sup>123</sup>.

**Сузоқ қўзғолони.** 1930 йил 7 февралда бошланган Сирдарё округининг Suzoқ районидаги қўзғолон бошқаларидан фарқли ўлароқ, нисбатан уюшган, кенгроқ қамровли ва аҳолининг барча тоифаларини ўзида қамраб олганлиги билан ажралиб туради. Сузоқ ва унга қўшни районлар аҳолисининг асосий қисми чорвадор хўжаликлар бўлган. Қўзғолоннинг сабаби аҳолининг мажбурий меҳнатга сафарбар этилиши, кўплаб тўлов ва мажбуриятлар ва бой, қулоқ сифатида мол-мулкларининг мусодара қилиниши эди<sup>124</sup>.

Қўзғолонга икки ой давомида тайёргарлик қўрилган. Қўзғолон раҳбари собиқ оқсоқол Султонбек Шолаков (Султанбек Шолаков) эди. Султонбек Шолаков шу пайтда 50 ёшда, қиёфаси қалмиқларга хос, ёноқ суюклари кенг, бурни ясси, қошлари қора, олдинги 2 тишлари йўқ, ўртacha баландликдан юкори, қадди-қомати тик ҳолда эди<sup>125</sup>. Гоявий ва ташкилий жиҳатдан муҳим рол ўйнаган раҳбар эса табиб Асадулла Иброҳим эди. У Эрон фуқароси, миллати форс, ўзини эса афғон сифатида кўрсатган. Асадулла Иброҳим 1918 йилда инглизлар томонидан Тошкентга юборилган, 1920 йилдан Suzoқda яшаган. Айнан унинг ёрдами билан совет ҳокимиятига қарши қўзғолон ташкиллаштирилган. Аҳамиятли жиҳати шундаки, қўзғолонга тайёргарликда район милиция таркибининг катта қисми фаол иштирок этган<sup>126</sup>. Қўзғолончилар оқ байроқлар кўтариб қўлларида оқ лента ва Қуръондан сўз ёзилган бош кийимларда “Йўқолсин совет ҳокимияти”, “Яшасин хон ҳокимияти”, “Дин учун муқаддас кураш”, “Яшасин Қозоғистон хукумати” шиорлари билан чиқишли.

7 февралда бошланган қўзғолонда аҳолининг катта қисми иштирок этиб, оддий меҳнат қуроллари билан қуролланган ҳолда совет ишчилари, партия ходимларига хужумлар уюштириб, хужжатларни йўқ қилди. Қўзғолончилар томонидан район ижроия комитети (РИК) раиси, район партия комитети котиби, ҳалқ судяси ва бошқа лавозимлардаги 24 нафари ўлдирилди. 15 нафар коммунист ва совет ишчилари асир сифатида кўлга олинган. Олдин бой, қулоқ сифатида қамоққа олинган нуфузли кишилар озод қилинди. Султонбек Шолаков бошчилигига Suzoқ мустакил хонлик деб эълон қилинди<sup>127</sup>. Унинг ёрдамчиси Асадулла Иброҳим, ҳарбий вазир – Мирза Ахмет Баскиев (Мирза-Ахмет Баскиев), Озиқовқат вазири – Мустафо Аҳмедов, хоннинг маслаҳатчиси – Қора Дўстманбоев, хоннинг шахсий қўриқчиси қилиб – Дўсжон Атамишев тайинланди<sup>128</sup>. Туркистонни эгаллаш учун тайёргарлик бошланиб, ҳужум режаси тузилди. 18 дан 35 ёшгача бўлган аҳолини сафарбар қилиш эълон қилинди ва хунармандлар томонидан қурол-яроғлар тайёрланди. С.Шулаков қўзғолон штабини ва 20 нафар нуфузли кишидан иборат хон кенгашини тузди. Давлат томонидан аҳолидан мусодара қилинган барча мол-мулк тортиб олиниб, эгаларига қайтарилди. Қўзғолончилар коммунистларни калтаклашди, айримларини намоз ўқишига ва оқ байроқ билан қишлоқ бўйлаб юришига мажбур қилишли. Масжид тепасида оқ байроқлар осиб қўйилиб, митингларда аҳоли ислом динини ҳимоя қилишига ва муқаддас уруш бошлашга даъват этилди<sup>129</sup>.

Қизил армия қисмлари ва қўзғолончилар ўртасида 16 февралда кечган жангларда С.Шулаков ўлдирилиб, Suzoқ қўлга олинди. Жангларда 316 нафар қўзғолончи ўлдирилди, 7 нафари яраланди, 276 нафари қўлга олинди. Қўзғолонда қатнашгани учун ОГПУ томонидан

<sup>123</sup> Алланиязов Т., Таукенев А. Последний рубеж защитниковnomадизма. – С. 280.

<sup>124</sup> Алланиязов Т.К., Таукенов А.С. Последний рубеж защитниковномадизма. – С. 280-281.

<sup>125</sup> РГВА, 25895-фонд, 1-рўйхат, 876-иш, 101-варақ.

<sup>126</sup> Алланиязов Т.К., Таукенов А.С. Последний рубеж защитниковномадизма. – С. 282-283.

<sup>127</sup> РГВА, 25895-фонд, 1-рўйхат, 876-иш, 103-варақ; Алланиязов Т.К., Таукенов А.С. Последний рубеж защитниковномадизма. – С. 282-283.

<sup>128</sup> РГВА, 25895-фонд, 1-рўйхат, 876-иш, 101-варақ.

<sup>129</sup> Алланиязов Т.К., Таукенов А.С. Последний рубеж защитниковномадизма. – С. 282-283.





311 нафар киши жиной жавобгарликка тортилди, улардан 88 нафари ўлим жазосига хукм қилинди<sup>130</sup>.

**Қорақалпоғистондаги ҳарбий ҳаракатлар.** Қорақалпоғистон автоном обласыда совет режимига қарши күтарилиган қўзғолонлар ичидаги 1929 йил сентябр – октябрда бўлган Тахтакўпирдаги қуролли чиқиши энг асосийси ҳисобланади. Қўзғолонни тайёрлашда Абдужалил Махсум Исматуллаев, Қодир Қози Давлетназаров, Борликбой Нурумов, Убби ва Ажим Ибрагимов, Хожахмет Эрназаров, Аскар Урумбоев ва бошқалар мухим рол ўйнади. ОГПУнинг Қорақалпоқ област бўлими ходимлари томонидан 18–21 сентябрда “Чимбой аксилинқилобий ташкилоти” аъзоларидан қўзда тутилган 44 кишидан 35 нафари қамоққа олингач, озодликда қолган қўзғолоннинг бошқа 9 нафар раҳбари (Абдужалил Махсум Исматуллаев, Қодир Қози Давлетназаров, Борликбой Нурумов ва б.) атайлаб қўлга олинмади. Ҳужжатларда келтирилишича, қўзғолонга умумий раҳбарлик қилиш Абдужалил Махсум Ибрагимовга юклатилди ва у хон қилиб сайланди<sup>131</sup>.

Чимбой ва Тахтакўпир туманлари овулларидағи 60 нафар киши (уларнинг факат ярми ўт очар қуроллар билан қуролланган эди) совет режимига қарши қуролли қўзғолон кўтарди. Қўзғолончиларнинг асосий қисми қорақалпоқлар бўлган, шунингдек, иккитадан ўзбек, туркман ва қозоқлар ҳам бор эди. Қўзғолон 27 сентябрда Тахтакўпирда бошлангач, унга бозор майдонида бўлган 150 нафар дехқонлар ҳам қўшилди. Қўзғолончилар томонидан Тахтакўпирдаги совет ва партия идоралари вайрон қилинди, фаоллар ўлдирилди. Қўзғолончилар билан совет ҳокимиятининг ҳарбий кучлари ўртасида қуролли тўқнашувлар бўлди<sup>132</sup>.

1929 йил 28 сентябрда ВКП(б) Қорақалпоғистон област комитети Чимбой ва Тахтакўпирдаги воқеалар муносабати билан пойтахт Тўртқўлда фавқулодда ҳолат эълон қилди<sup>133</sup>.

Тахтакўпир иши юзасидан 41 нафари жиной жавобгарликка тортилди. Қозогистон АССР Олий суди сайёр сессиясининг қарори билан улардан 16 нафари энг юқори жазо – отишга хукм қилинди, қолганлар эса турли муддатга озодликдан маҳрум этилди. Шунингдек, ОГПУ Фавқулодда вакили ўринбосари Алшанский бошчилигига тройканинг 1929 йил 3 декабрда бўлган йиғилиши қарорига кўра, “Марказий иш” бўйича “Чимбой аксилинқилобий ташкилоти”нинг 36 нафар аъзоси мол-мулки мусодара қилинган ҳолда отиб ўлдиришга, 2 нафари 5 йил муддатга ва 11 нафари 2 йил муддатга концлагерга мол-мулкидан маҳрум қилинган ҳолда жазони ўташга хукм қилинди<sup>134</sup>.

Хуллас, Ўрта Осиё ва Қозогистонда совет ҳокимияти томонидан амалга оширилган аграр ўзгаришлар аҳолининг мулқдор қатламларини тутатди, хусусий мулкни чеклади. Бу анъанавий ҳаёт тарзи ва қишлоқлардаги бошқарув тартибларини кескин ўзгартириб юборди. Илгари аҳоли орасида катта таъсирга эга бўлган қатламларнинг жамиятдаги роли чекланди. Колхозга аъзо бўлмаган кишилар ва ҳаттоқи аъзо бўлган кишиларнинг ҳам ижтимоий келиб чиқиши (кулок, диндор, табиб, амир ва хон амалдори, савдогар, собиқ қўрбоши ва уларнинг йигитлари) нуқтаи назаридан ёндашилиб турли жазоларга маҳкум этилди. Мажбурий суратда амалга оширилган колективлаштириш сиёсати қишлоқ хўжалигининг ҳам ўсишини таъминламади. Аксинча, кўп жиҳатдан орқага кета бошлади. Экин майдонлари кенгайган бўлса-да, унумдорлик пасайди. Кучайтирилган пахта монополияси ғалла майдонларининг кескин камайишига, чорвачилик соҳасининг ҳам катта зарар кўришига олиб келди. Бу ҳолат аҳолининг ижтимоий турмушини оғир ҳолатга тушишига ва озиқ-овқат муаммоси кучайишига сабаб бўлди. Мазкур жараёнлар дастлаб аҳолининг мулқдор ва катта нуфузга эга

<sup>130</sup> Алланиязов Т.К., Тауkenov A.C. Последний рубеж защитниковnomadizma. – С. 287.

<sup>131</sup> Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенгес архиви, 1-фонд, 2-рўйхат, 664-иш, 112-варап.

<sup>132</sup> Алланиязов Т. “Контрреволюция” в Казахстане: Чимбайский вариант. – Алматы: Фонд “XXI век”, 1999. – С.183.

<sup>133</sup> Ражабов К., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг мухим саналари. 6-нашр. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – Б. 200.

<sup>134</sup> Алланиязов Т., Тауkenev A. Последний рубеж защитников nomadizma. – С. 274.





бўлган қатламлари орасида, сўнгра эса совет бошқарувидағи буйруқбозлик, мажбурийлик ва адолатсизликлар аҳолининг ўртаҳол, камбағал тоифалари орасида ҳам кескин норозиликларни келтириб чиқарди. Буларнинг барчаси совет ҳокимиятига қарши курашнинг кучайишига таъсир кўрсатди. Кураш кўламининг пасайишига қатағон ва сургун сиёсати орқали эришилди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Алланиязов Т. “Контрреволюция” в Казахстане: Чимбайский вариант. – Алматы: Фонд “XXI век”, 1999. – С.183.
2. Алланиязов Т.К., Таукенов А.С. Последний рубеж защитниковnomадизма. История вооруженных выступлений и повстанческих движений в Казахстане (1929-1931 годы). – Алматы: “ОСТ-XXI век”, 2009. – 424 с.
3. Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари. 6-нашр. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – Б. 200.
4. РГАСПИ, 62-фонд, 2-рўйхат, 1811-иш, 229-варак.
5. РГВА, 25895-фонд, 1-рўйхат, 876-иш, 101-варак.
6. РГВА, 25895-фонд, 1-рўйхат, 876-иш, 103-варак.
7. “Совершенно секретно”: Лубянка – Сталину о положении в стране (1922-1934 гг.). Сборник документов. Т.7. 1929 г. –Москва, 2004. – С. 449-450.
8. Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенгес архиви, 1-фонд, 2-рўйхат, 664-иш, 112-варак.
9. Kattakulovna, T. S., Khudoiberdievich, T. B., Evatovich, R. A., Norkulovich, J. B., & Buriniyozovna, E. S. Increasing protection of the rights and interests of youth in Uzbekistan.[Electronic Resource]. URL: <https://philosophicalreadings.org/2021-13-4/>(date of access: 15.06. 2022).
10. Turabova K. K., Turabova S. K. THE ROLE OF SCIENTIFIC DISCUSSION IN THE FORMATION OF SCIENTIFIC AND CREATIVE ABILITIES AND PROFESSIONAL SKILLS //CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS. – 2021. – Т. 2. – №. 06. – С. 167-170.
11. Рўзибоев, Дилшод Аъзам Ўғли (2022). XX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОРВАЧИЛИКНИНГ АҲВОЛИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (3), 943-952.
12. Рўзибоев, Д. А. (2021, November). 1946-1953 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОРВАЧИЛИК ХЎЖАЛИГИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. In International journal of conference series on education and social sciences (Online) (Vol. 1, No. 2).
13. Ruziboev Dilshod A'Zam Ugli (2021). TOURISM POWER OF UZBEKISTAN. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1 (5), 215-222.
14. Rustamov, R. R., & Elboyeva, S. B. R. (2020). THE EVOLUTION OF THE SYSTEM OF SPIRITUAL PROPAGANDA. Theoretical & Applied Science, (10), 218-221.
15. Чориев, С.А. , & Рустамов, Р.Р. (2022). ДУНЁ ТАРФИБОТ СИСТЕМАСИ ЭВОЛЮЦИЯСИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (5-2), 48-59.
16. Mamasaliyev, Mirzoulug‘ Mirsaidovich (2022). AMIR TEMUR DAVRIDA MARKAZLASHGAN BOSHQARUV TIZIMINING SHAKLLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (5-2), 1120-1129. doi: 10.24412/2181-1784-2022-5-2-1120-1129
17. Мамасалиев М. М. ЭПОХА ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ АМИРА ТЕМУРА: ФИЛОСОФСКИЕ И ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ //РАЗВИТИЕ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ, ДОСТИЖЕНИЯ И ИННОВАЦИИ. – 2022. – С. 161-165.

